

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан  
чиқа бошлаган

2000 йил  
31 октябр, сешанба

№ 44 (196)

Сотувда эркин  
нархда

## Тадбиркорлар адлия идоралари ҳимоясида

### “ПРОКУРОР” НИҚОБИДАГИ СОЛИҚЧИ

СИРАРБЕЛА

Гулистон шаҳрида тадбиркор — хусусий савдо дўкондори Т.Ли тўсатдан ноқулай аҳволга тушиб қолади. Сирларбей вилоят Адлия солиқ бошқармасининг К.Убайдуллаев деган ходими дўконга кириб келиб, дабдурустан “Фаолиятингиз устидан прокуратура идоралари иш очган, мен ана шу иш юзасидан тузилган тергов гуруҳи аъзосиман” деб ўзини таништиради.

Уни, бунга сабаб қилиб кўрсатиб, 10 минг сўмлик автомашина эҳтиёт қисмларини алдаб олади ва жилиб қолади.

Бу ҳақдаги хабар адлия бошқармасига келиб тушгач, ўтказилган текширувда факт очилиб қолади. Солиқчи К.Убайдуллаевнинг ўз мансаб ваколати доирасидан ташқари чиқиб, хусусий тадбиркорнинг қонун билан қўриқ-ланадиган манфаатига жиддий зарар етказганига эътиборан, материал прокуратура идораларига, жиноят иши кўзга тушиб, қонуний чора кўриш таклифи билан юборилади. Сохта “прокурор” қонун олдида жавоб беришга мажбур этилди.

### ФЕРМЕР ЕРИ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛДИ

НАВОИДА

Қизилтепа туман “Қуйи мазор” агрофирмаси бошқаруви ва қасаба уюшмаси кўмитаси тумандаги “Тешабой” ва “Ҳаққулбобо” фермер хўжалиқларига тегишли 3,7 ва 3 гектар ерни олиб қўйиш ва у ердаги боғларни бузиб ташлаш ҳақида ҳамда мазкур фермерларнинг банкдаги ҳисоб рақамларини қайтариш ҳақидаги мутолақа ноқонуний ва асоссиз қарор қабул қилади. Бу қарор ўз навбатида Қизилтепа туман ҳокимлиги қарори билан асоссиз қўллаб-қувватланади. Боғлар бузиб ташланади. Бу ҳақда тушган ахборот адлия бошқармаси ходимлари томонидан текширилганда, бир қатор мансабдор шахслар томонидан ўзбошимчилик, мансаб суниестемолчилиги ҳаракатлари содир этилган деб топилди, прокуратура идораларига жиноят иши кўзга тушиб таклифи киритилди.

Айни пайтда адлия бошқармасининг тақдимномаси асосида туман ҳокимининг ноқонуний қарори бекор қилиниб, ерлар эгаларига-фермерларга қайтариб олиб берилди.

### НОТЎҒРИ УНДИРИЛГАН СОЛИҚ ТАДБИРКОРЛАГА ҚАЙТАРИЛДИ

ХОРАЗМДА

Шовот туманида 1998 йил 5 мартда ташкил этилган “Муқаддас” ип йиғириш хусусий фирмаси туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 1998 йилда 101.400 сўм, 1999 йилда 73 минг сўм даромад солиғига мавжуд қонун ва ҳуқуқат қонунларига ҳилоф равишда асоссиз тортилган.

Бу борадаги мурожаат асосида аҳволни ўрганган вилоят адлия бошқармаси нотўғри ундирилган солиқларни қайтариш, солиқ ходимлари келгусида бундай ноқонунийликка йўл қўймаслиги чоралари кўрилади.

Ҳудди шундай ноқонуний иш тутган Хонқа туман давлат солиқ инспекцияси мазкур ҳудуддаги “Қурилиш-таъмирлаш” хусусий фирмасидан 1997 йилда 1330 сўм, 1998 йилда 56 минг 300 сўм, 1999 йилда 21 минг сўм даромад солиғини нотўғри ундирилган бўлиб чиқди.

Адлия бошқармаси бундай қонунбузарликларга чек қўйиш чораларини кўрди.

### ЖИЗЗАҲДА ҲАМ ЕР СОЛИҒИ НОТЎҒРИ УНДИРИЛИБДИ

ЖИЗЗАҲДА

Пахтакор туман давлат солиқ инспекцияси шу ердаги “Ойбек” фермер хўжалигини 1999 йил учун 14 минг сўм ер солиғини нотўғри, ноқонуний ўлаттирган.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси бу ҳақдаги мурожаатни ўрганиб, ноқонуний ҳаракатларга чек қўйиш, айбдорларга чора кўриш масаласини кўндаланг қўйди. Келгусида бундай ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш учун вилоят давлат солиқ бошқармасига тегишли тақдимнома берилди.

### АСОССИЗ ЖАВОБГАР ҚИЛИНГАН ТАДБИРКОР ОҚЛАНДИ

КОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Нукус шаҳридаги “Приаралье” хусусий корхонасининг раҳбари К.Исмағулов Қорақалпоғистон “Бизнес фонд”и билан 1996 йил 30 апрелда тузилган шартнома асосида 30 ой муддатга, симида сетка тўқиб, аҳолига сотиш учун 20 фоиз устама тўлаш шарти билан 1 миллион сўмга яқин кредит олган. Шундан 233 минг сўмига бошқа корхонадан симтўр тўқувчи станок сотиб олиб ўрнатган. 561 минг сўмга яқин маблағга фирмаси учун сим ва бошқа кераклик материаллар сотиб олган ва ҳоказо.

Ҳуллас, фирма олган пулларини шартномада кўрсатилган мақсадларга сарфлаган, кредитни қайтариш учун барча чораларни кўрган.

Кредитни фоизи билан қайтариш талаби қўйилганда, тадбиркор ҳатто икки марта расмий хат билан “Бизнес фонд”га мурожаат қилиб, ўз тасарруфидаги кўчмас мулкни олишнинг илтимос ҳам қилган. Шунга қарамастан, “Бизнес фонд”нинг мурожаати асосида тадбиркор К.Исмағулов олган кредитини қайтаришдан қасдан бўйин товлаган, деган айбнома билан жиноий жавобгарликка тортилган ва 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга жалб қилиниб, Амнистия ҳақидаги Фармон асосида жазони ўташдан озод қилинган.

Иш Қорақалпоғистон Олий Суди Раёсатида кўри-либ, тадбиркор ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги боис у тўла оқланди.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,  
Адлия вазирининг матбуот  
котиви хизмати раҳбари

Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ҳамда Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш Фондининг таклифи биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидхон Қодиров бошчилигидаги делегация шу йилнинг 4-15 октябр кунлари расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди ва мазкур Фонд томонидан ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, давр сайин ривожланиб бораётган ўзбек-хитой муносабатларининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тарихга назар ташласангиз, дунёнинг икки кутби — Европа ва Осиёни боғлаб келган Буюк Ипақ йўлининг катта қисми давлатимиз ҳудуди орқали ўтганлиги ва бу ҳолат ўзаро алоқаларда муҳим аҳамият касб этганлигининг гувоҳи бўласиз. Хусусан, Чин давлати номи билан машҳур бўлган ҳозирги Хитой билан дўстлик ва савдо-сотиқ алоқаларимиз гури-раб яшаган. Сунги юз йиллар давомида бу алоқаларда бирмунча узилиш рўй берди. Буюк Ипақ йўли ҳам бир қадар уну-

тилдэган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Хитой биринчилардан бўлиб мамлакатимизни халқаро субъектнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олди ва дипломатик муносабатлар ўрнатишга киришди. Бу борада дастлабки қадам 1992 йил 2 январда қўйилди. Шундан бундан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов уч маротаба расмий ташриф билан Хитойда бўлди. Шунингдек, ХХР раиси Цзян Цзэмин ва ХХР Давлат кенгаши бош вазири Ли Пэн жаноблари ҳам республикамизда бўлишди. Уларнинг самараси ўлароқ, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар

### Халқаро алоқалар

## ПРОКУРАТУРАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

томонлама муносабатлар кўлами янада кенгайди.

Агар бугунги Хитой ҳақидаги маълумотларга эътибор берилса, гувоҳ бўламизки, унинг ҳудуди (9.596.960 кв.км.) катталиги жиҳатидан Россия, Канада ва АКШдан сўнг дунёда туртинчи ўринда туради. Мамлакат chegarаларининг умумий узунлиги 36,5 минг километр. У маъ-

мурий жиҳатдан, 23 та провинция, 5 та автоном район, марказга бўйсунувчи тўртта шаҳар ва Сянган (Гон-конг) ҳамда Маккаода иборат иккита алоҳида маъмурий районларга бўлинади.

Аҳолиси шу йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 1 млрд. 259 млн. киши қайд этилган. Бу ерда яшовчи 56 миллатдан 92 фоизини хитойлар ташкил этади.

Хитой ҳуқуқий муҳозафа қилиш идоралари тизимини Олий халқ прокуратураси идоралари, халқ суди ҳамда жамоат ва давлат хавфсизлиги вазирлиги ташкил этади. Улар ичида прокуратура идоралари муҳим мавқега эга.

Мамлакат Конституциясига биноан халқ прокуратураси қонунларнинг аниқ бажарилишини назорат этувчи давлат органи ҳисобланади. Олий халқ прокуратураси, ундан кўйи турувчи халқ прокуратуралари, ҳарбий прокуратура ва бошқа махсус халқ прокуратураларидан ташкил топган. Айни пайтда Олий халқ прокуратурасига Хон Чжубин раҳбарлик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)




“Оқолтин” ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Султонбой Тураев Сирдарё вилоят галлакорларининг мушқулини осон қилди. Яқинда унинг етакчилигида уруғчилик комплекси қисқа муддатда бунёд этилиб, ишга туширилади.

Бу галли мавсумда комплекс жамоаси 1200 тонна уруғлик дон тайёрлаб беришга аҳд қилган. Шу кунгача улар етказиб берган дон 950 тоннадан ошиб кетди.

Суратда: (чапдан) 1. Бош муҳандис С.Тураев уруғчилик комплекси бошлиғи Зокир Уринов билан ўзаро суҳбатда. 2. Яқинда ишга туширилган уруғчилик комплексининг кўриниши.

Нурмамет АЛМУРОДОВ олган суратлар

### Ғаллакорлар мушқули осон бўлди



Маълумки, 2000 йилнинг 7 ноябр кuni Америка Қўшма Штатлариди навбатдаги Президент сайлови бўлиб ўтди ва унда АКШнинг 42-Президенти сайланди. Ана шу шарафни ва масъулиятни лавозимни эгаллаш учун шу кунларда икки номзод: демократлар партиясидан ҳозирги вице-президент Альберт Гор ва республикачилардан АКШнинг 40-Президенти Жорж Бушнинг иккинчи ўғли, Техас штатининг ҳозирги губернатори, кичик Жорж Буш ўртасида кураш кетмоқда. Сийёсий башоратчилар уларнинг имкониятларини чамабоб кўриб, турлича баҳолашмоқда. Кимники биз башорат қилмайлик, бугунги сайловлар кўрсатгани ва биз ундан тез орада воқиф бўламиз.

Яқинда мен АКШ бўйлаб сафорода бўлдим. Қўллаб таъсир ордерида. Улардан бири АКШ президентларига оид кўрган ва эшитган ахборотлар бўлди.

Америкада 1775-1783 йилларда бўлиб ўтган халқ озодлиги ҳаракатларидан сўнг мустақиллик қўлга киритилиб, географик жиҳатдан турли ҳудудларга бўлинган 13 та штат ягона, федерация давлатига бирилашди ва Америка Қўшма Штатларини ташкил қилди. Ана шу Штатларни бирилаштириб туриш ва уларни бошқариш учун кучли ижроия ҳокимиятига зарурат сезилди ва шу тўғрисида мамлакатда Президентлик бошқаруви жорий қилинди.

1787 йилда қабул қилинган ва нари борганда йиғирматанча майда ўзгаришлар билан ҳозиргача амалда бўлган АКШ Конституциясига мувофиқ Америка Президенти ҳар тўрт йилда, навбратининг биринчи сешанбасида бўладиган сайловда бевосита аҳоли томонидан сайланади ва голиб чиққан номзод кейинги йилнинг 20 январидан бошлаб ўз ваколатини бажаришга киришади. Сайловдан 20 январгача бўлган вақт голиб чиққан Президентга янги ҳукуматни тузиш ва ўз фаолиятини бошлашга етарлича тайёргорлик кўриш учун берилади.

Америка Президентлигига номзодлар орасинан мавжуд икки партиядан (боъзан мустақил номзодлар ҳам) қўйилади ва уларнинг ҳар бири уларнинг сайловда тадбирларида шу партиядан ягона номзодни танлаб олишади. Шу сабабли АКШ Президент сайловларида баъзан давлатлар (масалан, Россия) Президент сайловларига бўлгани каби ўнлаб номзод рўйхатида олинди, сайлов билан белгиланган киритилди. АКШ Президенти сайловда умумий сайловчиларнинг 50 фоиздан кўпроқ овозини олиш шарт эмас, сайловда қатнашган сайловчиларнинг оддий кўпчилиги овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. 1996 йилги сайловда Билл Клинтон мамла-

Туғатган оғриқ дунёнинг барча адолатли мамлакатларида инсон ҳуқуқлари устувор даражага кўтарилди. Инсон ҳуқуқининг бир қўрилиши ҳисобланмиш эркин сайловларда иштирок этётган сийёсатчи сайловчиларнинг кўпчилиги овлаш учун биринчи галда айнан инсон ҳуқуқлари тантанаси учун курашадигани воқеа қиладиган бўлди. Жаҳон миқёсидаги турли ташкилотлар мамлакатларда инсон ҳуқуқларига нечоғлик риоя этилаётгани ҳақида маълумотлар тарқата бошладилар. Америка Қўшма Штатлари каби буюк давлатлар бошқа мамлакатлар билан ўша жойда инсон ҳуқуқлари қай даражада таъминланганлигига қараб алоқалар ўрнатмоқдалар, муносабатларини шунга қараб ихзор этмоқдалар. Эн-

зининг асосий вазифалари деб белгиланган: миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, Қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қондалорини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш; инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш; Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига масоҳотлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш; давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарбия, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

кент ва Қашқадарё вилоятларида ўтган бир қатор суд мажлисларида Марказ воқилларининг иштироки, айниқса самарали бўлди. Масалан, Қашқадарёнинг Гузор туманида яшовчи фуқаро Қ.Салимовнинг аризаси бўйича Марказ бўлим бош масоҳатчиси иштирок этган туман суди мажлисида судланувчиларга асоссиз қўйилган “жिनоят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган”, деган айб қилариб ташланди ва жиноят қайта амалоканди.

Бундан ташқари, иккинчи гуруҳ нагирани К.Ҳакимовнинг сиқатгоҳга йўланма олиш, фуқаро Л.Бондаревнинг “Тошқимаш” ишлаб чиқариш бирлашмасидан иш ҳоқи ҳисобланган 39423 сўмини олаётганлиги тўғрисидаги, Хоразм вилояти Гузлор туманида яшовчи фуқаролар Д.Маташев ва Х.Шихобовларнинг шу тумандаги “Янгиобод” ширкат хўжалиги раҳбарларининг айриқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида ёзган аризалари бевосита Миллий марказ орашувчи билан ижобий ҳал



дигина мустақилликка эришган давлатлар ўз ҳудудларида айнан инсон ҳуқуқларини ҳар недан азиз эканлигини тан олиб, унга риоя қилган тақдирларидоғина бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан тенглари ира тенг мустақил давлат сифатида ҳамкорлик қила оладилар.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ибораси мустақиллик шарофати билан луғатимиздан кенг ўрин олди десак муболага эмас. Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов бу борада “Мустақиллик ҳуқуқ демандир” деган бебаҳо фикрини ўртага ташладилар. Тўғри-да, мустақилликсиз ҳуқуқ, ҳуқуқсиз мустақиллик бўлиши мумкин эмас. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масаласи давлат сийёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилди. Бозор иқтисодиғи ўтишининг Президентимиз томонидан олган сурилган тамойилларидан бири ҳам айнан жамиятда қонун устуворлигидир. Зеро, қонун устувор бўлган жамиятдагина инсон ҳуқуқларига тўла қафолат мавжуд.

Мустақил Ўзбекистонимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолият кўрсата бошлаганига 31 октябрда тўрт йил тўлади. Бу Марказ 1996 йилда мамлакатимиз Президентининг махсус Фармони билан “...Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасаси ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятларини ошириш мақсадида...” тузилган эди. Фармонга мувофиқ қўйилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲАР НЕДАН АЗИЗ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилганига тўрт йил тўлди



Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш; давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш; инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида самарали амалга ошириш учун Марказда 8та бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда. Энг қувончли жиҳати, бугунги кунга келиб Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ республикамиз ижтимоий-сийёсий ҳаётида ўз ўрнини топди. Фуқаролар томонидан ҳуқуқий масоҳотлар сўраб, бизга мурожаат қилаётганлар сони ошиб бораётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. 2000 йилнинг 9 ойи давомида Марказга фуқаролардан 399та ёзма мурожаат келиб тушди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 73тага кўп демандир. Аризаларда баён этилган муаммоларнинг аксарияти қонун талаблари асосида ҳал этилди. Бундан ташқари 223 нафар фуқаронинг озаки мурожаатларига тушунтириш ва масоҳотлар беришди. Мурожаатларнинг катта қисми шахслар ва ташкилотлар манфаатини ифода этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказга келадиган ариза ва шикоятларнинг аксариятини Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд вилоятларида истиқомат қилувчи фуқаролардан тушадиган мурожаатлар ташкил этади. Мисол тариқасида айтиладиган бўлса, 399 та мурожаатнинг 176 таси Тошкент шаҳрига тўғри келади. Бу ҳол ушбу жойларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни янада яхшилаш лозимлигини кўрсатади.

Мурожаатлар мазмунини асосан икки ишлар, суд ва прокуратура ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, шунингдек, айрим мансабдор шахсларнинг ўз ваколатига кирадиган масоҳотларни қонуний ҳал этмай, сонсозликка йўл қўётганлиги хусусидир. Миллий марказ ходимлари қилинган мурожаатларни ўрганиш мақсадида суд мажлиси жараёнида ҳам қатнашмоқдалар. Тошкент шаҳар, Тош-

этилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Миллий марказ мутахассислари турли халқаро анжуманларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Шунингдек, Марказда барча давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бундай ҳамкорлик инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, қонунга риоя этиш самардорлигини оширишга, инсонларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини одил судлов йўли билан тиклашга қаратилгандир.

Маълумки, демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан бораётган мустақил мамлакатимиз учун эркин матбуотнинг ўрни беқийс. Матбуот ҳамма ўз фикрини, қарашларини эркин изҳор эта оладиган минбар бўлмас экан, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида гапириб ортиқчодир. Қадавраса, сўз эркинлиги, яъни ўз фикрини эркин ифода эта олиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистонда сўз эркинлиги Конституциямиз ҳамда бир қатор тегишли қонунлар билан тўла таъминланган, унинг амал қилиш қафолати ҳам мавжуд. Жамиятда эркин матбуотнинг ўрни яхши билан Миллий марказ ўз наҳшига ҳам эга. “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали мана 3 йилдирки ўзбек, рус, инглиз тилларида мунтазам чоп этиб келинмоқда. Журналда республикамизнинг давлат ва жамоат арбоблари, ҳуқуқшунос олимлари, тадқиқотчилар билан бир қаторда қатор ҳоржий мамлакатлар ҳуқуқшунослари ҳам ўз илмий мақолалари билан фаол қатнашмоқдалар. Ҳуллас, мустақиллик шарофати билан ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бундан бундан ҳам фуқароларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш барабарлида ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидаги энг эзгу мақсадининг амалга ошишига муносиб ҳиссасини қўшади.

Аҳмад ИСМОИЛОВ,  
Миллий марказ бош  
масоҳатчиси,  
Рузбай САЙДОВ,  
“Инсон ва қонун”  
муҳбири

(Давоми 2-бетда)

# ПРОКУРАТУРАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

(Боши 1-бетда)

ХХР прокуратура идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари йирик қўллагичи жинойятлар билан боғлиқ ишларни тергов қилиш, инсон эркинлиги ва демократик ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан назорат, шунингдек, ҳалқ судлари ва жамоат ҳафсизлиги ҳамда давлат тизимидаги бошқа идоралар фаолияти қонунийлиги юзасидан назорат олиб боришдан иборат. Проккурорлар биздаги каби қамқоқ олиш ҳақида санкция беради, судлар томонидан қонунга номувуфиқ чиқарилган ҳукм ва қарорлар устидан протест киритади, қамқоқоналар, ахлоқ-тузатиш муассасалари фаолиятини назорат қилади ҳамда давлат назоратининг бошқа функцияларини бажаради.

ХХР Олий ҳалқ прокуратураси халқаро миқдосда фаол иш олиб боради, кўплаб мамлакатлар прокуратуралари билан ҳамкорлик қилади. Жумладан, Ўзбекистон ва Хитойнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари, прокуратуралар ҳамкорлиги йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда, бу ҳақда қатор шартномалар имзоланган. Хитой Олий ҳалқ прокуратураси делегацияси мамлакатимизга илк бор бундан етти йил муқаддам ташриф буюрган эди. Ушунда хитойлик қонун ҳимоячилари республика-миз прокуратура идоралари фаолияти билан танишган, жойлардаги ахлоқ-тузатиш муассасаларини кўришган, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида меҳмон

ри ҳамда Фучжоу шаҳар Халқ йигини Раиси ва бошқа расмий шахслар билан мулоқотлар бўлиб ўтди. Ташриф чоғида 12 октябр куни Пекиндаги Умумхалқ халқ йигини вакиллари йигинида Осиёда жинойятчиликнинг олдини олиш Фондининг 8-халқаро Конференцияси иш бошлади. Конференцияда дунёнинг 73 мамлакатидан ташриф буюрган Бош прокурорлар, аслия вазири ва суд вакилларидан иборат 600 дан орტიқ делегат иштирок этди. Конференция олдидан ХХР Умумхалқ халқ йигини вакилларининг доимий қўмитаси Раиси Ли Пэн Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодировни қабул қилди.

Сўнг Раис жаноблари конференцияни қириш сўзи билан очди ва барча иштирокчиларни қутлади. Шундан беш халқаро анжуман бунг кун мобайнида ўз иштини давом эттирди. Конференция давомида Ўзбекистон Бош прокурори Болгария Бош прокурори Н.Филчев, Тожикистон Республикаси Бош прокурори Б.Бобоқонов ҳамда Аслия вазири Ш.Исмолов, Россия Федерацияси Бош прокурори Юриёвбосари К.Чайка, Осиёда жинойятчиликка қарши кураш Фондининг доимий вакили И.Редононим ва бошқалар билан амалий учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон прокуратураси вакилларининг ХХРга расмий ташрифи халқаро ҳуқуқий алоқаларда муҳим амалий аҳамиятга моликлик касб этди ва таасуротларга бой бўлди.

**Бахтиёр ХУҲАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи — ташриф иштирокчиси

Тинч-осойишта ўтган ҳар бир кунга шукроналик, сабр-тоқат, яхши ниятларга йўлдош бўлиш энг улуг исломий қадриятдир. Аммо одам оласи ичиди, деганларидек орамизда шундай ношукр бандалар ҳам чиқиб қолдики, улар ислом дини никоби остида фаолияти таъқиқланган норасмий "Хизбут-таҳрир" диний оқимига аъзо бўлиб, Ватанга хиёнат қилмоқдалар. Улар мустақил давлатимизнинг кунда бир яшаватган жамолани, жаҳон айвониди ортиб бораётган обрў-эътиборини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини қўрломасдан давлатнинг адоват қўзғатиш, Конституциямизга хилоф равишда давлат тузумини ўзгартириш, ислом халифалигини тузишга даъват этувчи арақалар тарқатиш билан шуғул-

# ОДАМ ОЛАСИ ИЧИДА

ланмоқдалар. Кўринишидан туппа-тузук йигитларга ўхшаган, уч боланинг отаси, Андижон шаҳар Ф.Хужаев кўчаси, 5-уйда яшовчи Файзулло Сатторов, асли касби дуррадгор бўлган шу шаҳарнинг Т.Келдиев кўчаси, 155-уйда яшаган Дилмурод Умаров, асакалик хусусий дорихонада қоровул бўлиб ишлайдиган Абдулҳалим Бадаловлар суднинг "қора кўрс"ига ана шундай ношукрлик, Ватанга хиёнат сабабли келиб ўтиришди. Учаласи ҳам муқаддам судланмаган. Учаласи ҳам тенгкур, 23-29 ёшда.

ОГОҲЛИККА ДАВВАТ

Учаласи ҳам шу йил 2 феврал куни Андижон шаҳарининг Янги дехқон бозо-

и, Навоий номли марказий маданият ва истироҳат боғи олдиди, Боғишамол даҳасида арақалар тарқатишга тўғри келган тўшди.

Бу арақаларда очикдан-очик Конституцияга хилоф равишда ҳокимиятни босиб олиш, фитна уюштириш, жиноий уюшмада ташкилий фаолият кўрсатиш, диний ташкилотларнинг моддий ёрдамига таяниб, жамоат ҳафсизлигига таҳдид солиш, Республика Президенти шайғига тўғри келган ўрин олган эди.

Ҳа, ҳақ йўл деганда халқимиз танлаган эрк, юксалиш ва ободлик, иймон-эътиқод йўлини тушунади. Бу гумроҳлар эса ҳақ

да улар ўша кимсаларнинг туркини ҳам кўришмаган. Уларга кўр-кўрона эргашиб юришибди. Аммо кўр кўзининг кеч очилишидан фойда йўқ. Гишт қалипидан кўчган эди.

Бу уч гумроҳнинг ҳоинлигига яраша тегишли жазо белгиланди. Учаласи ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига кўра жазоларини олдилар.

"Хизбут таҳрир" деб аталган диний экстремистик оқимнинг яна бир илдизи қирқилди. Лекин хотиржамликка берилиб бўлмайди. Мустақилликимизни ҳоинлардан ҳимоя қилиш учун доимо ҳушёр бўлайлик.

**Раҳматулло УЗОҚОВ,**  
Андижон туман судининг судьяси

**Инсоф-иймон туйғуси, дийнат мезони Амир Темураҳитнинг мазмуни ташкил этади. Одамнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у кун-қудрат зўриқ, зўравонликка эмас, ақилчилик, адолат эҳсонини теран аңлади.**

\*\*\*

**Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот ташкили қилмас, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом ёки уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмас, қонунлар ва аъёнлар ҳурмат қилинмас, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.**

**И. ҚАРИМОВ**

# ЮРТ ҚЎРИГАННИНГ ЭЛИ ФАРОВОН

**Халқимизда: "Юрт кўри, элиг ўсар, кўрмасанг уйиң тўзар" деган гап бор. Бир ўқиғанда оддийгина, бироқ уни уккан одам тасавури теран маънодан огоҳ бўлади. Айни шу ҳикмат амалини давлатимиз ички бозорини ҳимоя қилиш, чегарамиз даҳасизлангани, элимиз осойишталигини таъминлашдек шарафли ва масъулиятлаб бурчини ўришлатган Сирдарё вилояти божхона ходимлари фаолиятида кўришимиз мумкин.**

**Иккинда муҳбиримиз вилоят божхона постларини айланиб, бу жойларда ўз хизмат вазифаларини адо этаятган божхоначилар билан суҳбатлашиб, уларнинг ишларида натижалар билан танишни қайтди. Қуйида унинг Сирдарё вилоят божхона бошқармаси бошқармачисининг биринчи ўринбосари, божхона хизмати подполковниги Санжархўжа МАКСУДОВдан эътиборан ишлари ҳақида эътиборингизга ҳавола этаймиз.**



**Суратларда: 1.** (чапдан) "Гулистон-ТИФ" божхона маскани бошлиғи Рустам Бойтўраев катта нозир Зафар Камолов билан шу кунгача 967 миллион сўм божхона тўловларини ундиришга муваффақ бўлишди. **2.** 6-сонли "Оқолтин" божхона маскани бошлиғи Абдулла Бегматов талбиркор билан суҳбатда.

Бизнинг вилоят божхона бошқармаси тизимида 9 та божхона маскани фаолият кўрсатмоқда. Булар: 3 та ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи, шунингдек, Тожикистон ва Қозғистон Республикалари билан чегарадош ҳудудлардаги божхона масканларидир.

Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада савдо-сотикни эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим турларини сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари талабларидан келиб чиқиб, ҳудудимиздан ҳар хил миқдор ва ҳажмдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Шу ўринда фикримга бир далил сифатида жорий йилнинг сентябр ойида бўлган бир ҳолатни мисол қилиб келтирсам. Бошқармамизнинг тезкор ҳаракатдаги гуруҳи 4 сентябр куни айланма йўлларда назорат олиб бораётган ҳайдовчи Б.Аҳмадалиев бошқарувидида "КамАЗ-5320" русумли давлат белгиси Г 41-80 ДД автомашинасини тўхтатиб текширишда, унинг юкхонасида 980 литр дизел ёқилғиси борлиги аниқланган. Ёқилғини Зомин туманида яшовчи фуқаро А.Таниқулов ноқонуний тарзда Тожикистон Республикасига сотиш учун олиб кетаётгани маълум бўлди. "Нуробод" божхона пункти ходими томонидан текширилган бошқа бир уловда эса Нуробод қишлоғида яшовчи фуқаролар Х.Эржигитов ва Н.Норқўзиёевлар 1 тонна солярга ва 380 литр бензинини қўшни мамлакат-

га ноқонуний олиб ўтишга тўғри келди. Бундай ҳолатларга бизнинг фаолиятимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ мен уларни жамлаб айтсам, ўтган 1999 йили 43 та ана шундай ҳолатлар аниқланган бўлиб, 28 минг 791 минг литр, 2000 йилнинг 8 ойи мобайнида эса 86 ҳолатда 26 минг 361 литр ёқилғи, мойлаш материалларининг республикамиз ҳудудидан ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олишди. Божхона қоидаларини бузиш ҳолатларининг барчаси бўйича суриштирув ишлари олиб борилди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонуний чора кўриш учун расмийлаштирилган ҳужжатлар тақдим этилди. Далили ашё сифатида олинган ёқилғи маҳсулотлари эса давлат фойдасига мусодара этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Спирт, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотишни таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Давлат Божхона қўмитасининг бу борадаги бўйруғи талабларини ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимиз божхона бошқармасида махсус ишчи гуруҳи тuzилиб, унинг иш режаси ишлаб чиқилган эди. Ходимларимизнинг фаол хатти-ҳаракатларини, эришилган самарани, менимча, қуйидаги натижалар аниқ далилласа керак: 2000 йилнинг 9 ойи мобайнида 51 та ҳолатда акциз маркази бўлмаган тамаки маҳсулотларининг ноқонуний тарзда республикамиз ҳудудига олиб кирилиши олди олинган. Божхона қоидаларини бузган фуқароларга қўрилган қонуний чоралар асосида 6 млн. 449 минг 100 сўм жарима давлат фойдасига ундирилди. Жами божхона қоидалари-

ни бузиш ҳолатларида ушланган тамаки маҳсулотлари 20.364.400 сўмга нархланиб, савдо шаҳобчаларига топширилди.

Вилоят божхона бошқармаси таркиби ҳуқуқимиз қарорлари талабларининг ижроси, ички бозор ҳимояси бўйича олдинга кўтилган вазифаларни виждонан бажариб келмоқдалар. Хусусан, "Гулистон-ТИФ" (ташки иқтисодий фаолият) божхона ходимлари Рустам Бойтўраев бошчилигида экспорт ва импорт юкларини божхона назоратидан ўтказиш, метейри ҳужжатлар асосида расмийлаштириш ҳамда божхона қоидалари бузилишларининг олдини олишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Ушбу божхона маскани катта нозир Зафар Камолов ўзининг сергаклиги ва фидойилиги

билан божқаларга намуна бўлаётди. Шунингдек, божхона хизмати катта лейтенанти Абдулла Бегматов етакчилигидаги 6-сонли "Оқолтин" божхона маскани ходимларининг ҳамда божхона хизмати лейтенанти Бахт Исҳоқов каби жонқурларимизнинг меҳнатлари алоҳида эътирофга лойиқ деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, юртини кўриб, элиниги осойишта турмушини асраб келаётган эр йигитларимиз чиндан бизнинг фахримиздир. Уларнинг ўз бурчалари солиқликларни юрт фаровонлигининг омилли.

**Суҳбатдош:**  
**Нурмамат АЛМУРОДОВ,**  
"Инсон ва қонун" муҳбири

(Боши 1-бетда)

Дароқе, АҚШ президентларидан айрилганининг ҳаёти ва фаолиятига эътибор қилсангиз, унда бозни қизқарли томонларини ҳам кўрасиз. Жумладан, АҚШнинг 2-Президенти Ж.Адамс тўрт йил (1797-1801 йиллар) давомида давлатни бошқарган бўлса, орадан салкам чорак аср ўтган, унинг ўғли А.Адамс ҳам раппа-роса тўрт йил (1825-1829 йиллар) АҚШнинг 6-Президенти бўлган.

Америка президентларидан иккитаси (Линкольн ва Кеннеди) суиқасд қурбони бўлишган, Линкольнни театр соҳасида роль ўйнаётган актёр отган бўлса, Ж.Кеннедини қотили тўғрисида ҳозиргача аниқ бир фикр йўқ. Шуниси қизиқки, бу иккала президентлар ўлимидан сўнг президентлик Жонсон фамилияли кишилар қўлига ўтган.

1865 йили Президент Линкольннинг ўлимидан сўнг давлатни бошқариш А.Жонсон қўлига ўтиб, у 1869 йилгача раҳбарлик қилган бўлса, 1963 йили Ж.Кеннедини отишдан сўнг ҳокимият тепасига Л.Жонсон келиб, у ҳам 1969 йилгача (ўзашликни қаранг) давлатни бошқарган.

Х.Харрисон 1841 йилда (ўша йили вафот қилган) ҳуқуқ тепасига келган бўлса, В.Харрисон 1889-1893 йилларда АҚШда Президент бўлган. Т.Рузвельт асримизнинг бошида (1901-1909 йилларда) 8 йил давомида Американи бошқарган, унинг адаши Франклин Рузвельт (1933-1945 йиллар) 12 йил мобай-

нида АҚШ Президенти сифатида фаолият кўрсатган.

Ф.Рузвельтнинг Америка қонунлари талабидан четга чиқиб, истисно тарихида суронқали уч мудат президентлик ваколатини бажаришга ўша даврда мамлакат ичиди ва дунёдаги иқтисодий қийинчилик ҳамда нотинчликлар асосий сабаб бўлган. Иккинчи жаҳон уруши кетаётганини ва мамлакат ичидидаги иқтисодий ҳамда сиёсий танглик тўғрисида Сенат Америка халқи фикрини эътиборга олиб, сайловни қолдириш ва Президентга ўз ваколатини давом эттириш ишончини билдирган ва у жисмонан заиф бўлишга қарама-қарсисини қилган эди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакики, ўрнатилган тартибга кўра инаугурация (қасамда) давомида Президент бош кийим ҳамда ус-

**ЮРИСТ АМЕРИКА САФАРИДАН ҚАЙТА**

# КЕННЕДИНИНГ КЛИНТОНГА ТУҲФАСИ

Ўшунинг икки оғби шол эди) бу ишончини шараф билан оқлаган ва умрининг охиригача (1945 йил, апрел) давлатни муваффақиятли бошқариб, Америка Президентлари орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган.

Қонунга мувофиқ Президент қасамиди (инаугурация) 20 январ кун яқинда, АҚШ Сенати (Кантонга) ёнидаги мрамор тошлар тўшылган баланд сулада амалга оширилди. Бунинг учун Президент маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10 ларда ўз қароргоҳи Оқ уйдан

Юқорида айтганимиздек, Президент Жон Кеннедининг Бостон шаҳридаги уй-музейини томоша қилдик. Музейда бир экспонат ва ҳужжатларга кўра 1962 йилда мамлакатни мотаб (қоллеж) ўқувчилари ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилиб, ҳал қилувчи ўйин Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда АҚШ Президенти Ж.Кеннеди фахрий меҳмон сифатида катнашиб, ўйиндан сўнг кўп миң кишилик томошабинлар, фото ва телемуҳбирлар иштирокида голиб жоманининг 16 ёшли сардорига тантанали равишда кубок топшириди.

Президент Ж.Кеннедининг голиб жомаси сардорини қўлини қисиб, ютук билан қизгин табриқлаётгани ва соврин топшираётганини тўғрисидаги сурат ва лавза дарҳол кўпчилик газетда саҳифаларида эълон қилинди ва телевидениеда кўрсатилоди. Лекин ушбу суратда Америка халқи ҳурматиға сазовор бўлганда, АҚШ тарихида ёрқин эди қолдиридан икки буюк Президент қўлашчи турганлиги тўғрисидаги фикр у пайтда ҳеч қимнинг ҳалғига ҳам келмаган эди. Чунки Президент Ж.Кеннедининг голиблик тадригини қабул қилган футбол жомаси сардори бу йил ваколати тугаётган Президент Билл Клинтон эди...

**Мирза ТУРСУНОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Шу йил 22 август кунини тунги соат 23 лар чамасида номалум аёл Избоскан туман ички ишлар бўлимига телефон орқали Пойтўз шаҳри, Дўстик 2-тор кўчаси, 2-уйда усталарга паранжи ёпинган бир гуруҳ номалум аёллар йиғилишга танигани маълум қилди.

Хабарни текшириш мақсадида туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари Қобилжон Бўстонов раҳбарлигида келган милиция ходимлари бу хонадонда ташқи кўринишдан жангариларга ўхшаш, ўн нафарга яқин, сач-соқоллари ўсган, қуролланган, кўкрак ва бел қисмига ўқдон тақиб олган шахслар борлиги, улар тез-тез "Оллоху акбар" ва "тақдир" деб ҳайқириб туришганини аниқлашди.

Жангарига ўхшаган шахслар текшириш учун борган милиция ходимлари Файзулло Қаримқулов ва Одижон Отқуловларни ушлаб, "Бу ерда мени учун келдиларинг" деб қаршилик

қўрсатиб, уларга тан жароҳати етказдилар.

Воқеага аниқлик киритиш мақсадида олиб борилган тезкор-суриштирув ҳаракатлари натижасида уйга йиланган асосан эркаклар эканлиги, улар усталарга паранжи ёпиниб келганликларини, барчаси ўқатар қуроллар билан қуролланганликларини аниқланди. Уларга чара кўриш учун келган милиция ходимларига нисбатан қаршилик кўрсатиб, Беш-олти марта тартибсиз ўқ уздилар.

Соат тўғри биларда Избоскан туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Азаматжон Ташбеов ҳамда Пойтўз шаҳар ҳокими Инҳомжон Раҳмонов жангариларга қонунсиз ҳаракатларини тўхтатиш, қуролларини топшириш, беғуноҳ шахсларга зарар етказмаслик учун ҳар қандай масалани тинч йўл билан музокара орқали ҳал қилишга тайёр эканликларини тушутирдилар. Лекин жангарилар музокара олиб боришдан

қатъий беш тортди, "Оллоху акбар", "тақдир" деб бақириб, тартибсиз ўқ отиш билан жавоб бердилар.

Вазият жиддий эканлиги ҳисобга олиниб, вилоят ички ишлар божқармасидан қўшимча кучлар жалб қилиниб, воқеа жойи бўлган хонадон ўраб олинди.

Жангарилар гапга тушунадиган, мурасога кўнанидан эмасди. Шунинг учун тунги соат учларда шу уйнинг эгаси Гуломжон Мирзаев, унинг укаси Зайнобиддинларнинг отаси Мўйдинжон Мирзаев олиб келинди.

Вилоят ички ишлар божқармаси бошлиғи Дилмурод Қаримзаев жангариларга Мўйдинжон Мирзаев ва ўзи кўрсатган уларнинг олдиға кириб гоплашмоқчили эканлиги маълум қилди. Аммо жангарилар номидан музокара олиб бораётган Гуломжон Мирзаев, уларни уйға киритмаслигини, кирган тақдирда ҳар иккаласини ҳам отиб ташлашганини айтиб, осмонго тартибсиз ўқ узди. Бу но-бақорларга отанинг ҳам гапи

ўтмади. Тўғриси, улар пада-ни бузувурларининг ҳам гапини инобатга олмадилар.

Тонга яқин бу ердаги ҳаракатларга раҳбарлик қилаётган вилоят ички ишлар божқармаси бошлиғи, милиция полковниги Дилмурод

**Избоскан сабоғи**

# ОНАГА ҚЎЛ КЎТАРГАН ФАРЗАНД САНАЛМАС

Оқмирзаев, вилоят прокурори Уммотали Шамсиев, Миллий хавфсизлик хизмати вилоят божқармасининг бошлиғи Уллубек Азимов, туман ҳокими, Республика Олий Мажлисининг депутаты Сайдулла Бегалиев жангариларга тўғ отганини, қуролларни топшириб, кескин вазиятни тинчлиқ йўли билан ҳал қилишни, ақ ҳолда уларга нисбатан қурол қўланиши ҳақида огоҳлантирдилар.

Лекин жангарилар тақлифни хатий рад этдилар. Қуролларини топширмакликларини, Оллоху йўлида жиход эълон қилганликларини билдириб, тартибсиз ўқ ота бошладилар.

Бу отишув натижасида

ҳовлини ўраб турган ходимлардан вилоят ички ишлар божқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция полковниги Бақодир Хашимов мурдалар ҳалок бўлди. Уч нафар милиция ходими тан жароҳати олди. Шундан сўнг жангариларни куч ишлатган ҳолда қўлга олиш ва зарарсизлантиришга қаратилган ҳаракат бошланди.

Улар томонидан тирик

қалқан тарихида, гаровда ушланиб турилган 1968 йилда турилган Мазмура Одилова (жангарилардан Байриқ хотини) ва уй эгаси Зайнобиддин Мирзаевнинг воғда етмаган ўғиллари — ўн ёшли Наврўзбек ва ўн бир ёшли Музаффар озод этилди.

Воқеа жараёнида жангарилар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилиб, тартибсиз ўқ отилиб турилгани учун милиция ходимлари томонидан қурол қўланиши ва уйда бўлган 8 нафар жангари отиб ўлдирилди.

Тергов жараёнида жангариларнинг шахслари аниқланди. Улар Зайнобиддин Мирзаев, Гуломжон Мирзаев, Ибодулло Холмирзаев, Дилмурод Қодиров ва бошқалар бўлиб, "вахҳобизм" экстремистик гуруҳи вакиллари экан.

Она юртининг тинчлигини, гуллаб-яшаётганлигини қўрқомаётган, унга қарши қурол кўтарган хоинлар иттинг ўлимини топдилар. Мана, уч ўғли жангари, ваҳ-

ҳобий бўлиб кетган, шу воқеада ўлган хоинларнинг отаси Мўйдинжон Мирзаевнинг кўзда ёш билан айтган сўзи:

— Учта ноқирон ўлимнинг ўлиги икки-уч кун шу уйда турди қолди. Ҳаммаёқ сасиб кетди. Кўйишувда одам йўқ. Чуваммага бориб ўзимни қариндошларимни, жиянларимни айтиб келиб, бир илож қилиб қўйдим. Қабристонга элтай десам, автомашинам йўқ. Ўзим кўтариб олиб бориб, қабрга қўйдим. Ювдирай десам ювгучини йўқ, ўзим ювдим. Гурак йўқ, жиянларим гўр қаловди. Элпай олмаганимиздан ахири иккитасини бир гўра қўйиб юбордик.

Ана шундай. Она битта, Ватан битта. Онага, яъни Ватанга қўл кўтарган фарзанд саналмайди. Унга хиёнат қилган, унга қарши қурол ўқталган маълунур эл-юрт нафратига дучор бўладилар.

Улим бўлган эшикка инсон зоти қадам босмади. Уларни отаси, ака-укаси ўзлари шундай олиб бориб, қўйиб келишиди. Жаноза ҳам буорма-лик!

Илҳомжон ЭГАМЗАРОВ, "Инсон ва қонун"нинг махсус муҳбири



Жараён  
ҲУҚУҚИЙ  
ТАРҒИБОТ  
ЙЎЛИДА

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш йулидан дадил бораётган мамлакатимизда аҳоли орасида ҳуқуқий маърифатни кенг ёйиш, тарғибот ишларини замон талаблари даражасига кўтариш муҳим масалалардир. Бу борада Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, қабул қилинаётган янги қонунлар, Президентимиз Фармонлари моҳиятини оммага етказишда Марказ амалга ошираётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда Марказ томонидан Президент И.А.Каримовнинг шу йилнинг 6 сентябридаги "Террорчи гуруҳлар тарқибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги Фармони юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, вилоятлардаги бўлимларга жўнатилди. Ушбу тадбирлар одамларнинг Фармон моҳияти ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш баробарида уларга давлатимиз, хусусан, юртбошимиз олиб бораётган одил сиёсат ҳақида янада аниқ тushунчалар беришга қаратилган.

Маълумки, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялашда Адлия идоралари муҳим рол ўйнамоқда. Шунинг учун Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2000 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Адлия идоралари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳужалик субъектларида шартномавий муносабатларнинг йўлга қўйилиши ва унинг ижросини таъминлаш бўйича I августдаги кенгайтирилган ҳаёт мажлисидан маърузасидан қелиб чиқадиган вазифалар бўйича иш режаси тuzилиб, жойларга етказилди.

Ўқитам ҲАЙТБОВ

Обуна-2001

Муҳтарам муштарий!  
Ҳар қадамнингизда қонунга,  
Ҳар қадамнингизда келганингизда  
ҳуқуқий муаммога дуч келганингизда  
Сизга яқин ёрдамчи, маслаҳатчи ва  
таъясн бўладиган республикамизда ягона  
— ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп га-  
зета "Инсон ва қонун" дир.

Унга шу  
йил 1 октябрдан  
бошлаб барча алоқа  
бўлимлари ва ша-  
хобчаларида обуна  
бошланади.

Кеч қол-  
манг! Сўнг афеус-  
ланиб армонда қол-  
манг! Газетамиз  
уйингизга, иш жой-  
ингизга кириб бори-  
шига нима етсин!

Нашр кўрсаткичи:  
Якка обуначилар  
учун-137,  
Ташкилотлар  
учун-138.

Бўнай десанг  
ҳар доим  
натичун,  
Ҳамроҳ  
бўйсин  
"Инсон ва  
қонун"!

ҲАЁТДА ҚОНУН ҲИМОЯ  
БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ:

Ҳуқуқий онг ва маданиятингиз шакл-  
ланишида энг яқин дўстингиз "Ҳаёт ва қонун"  
юридик журналига 2001 йил учун шу йил 1  
октябрдан бошлаб обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи:  
Якка обуначилар учун 902  
Ташкилотлар учун 903



Сирдарё шаҳридаги "Шуҳрат" ҳис-  
садорлик жамиятида ҳозир иш қизгин.  
Ҳўжалиқлардан шол қабул қилинмоқда.  
Ишчилар бўш вақтларида вақтли матбуот  
нашрлари билан яқиндан танишишлари  
учун барча шароитлар яратилган.

Суратда: (ўртада) Сирдарё туман  
ички ишлар бўлими ходими Зоҳид Шаро-  
пов бир гуруҳ ишчилар билан "Инсон ва  
қонун" газетасининг янги сонини кўздан  
кечиришмоқда.

Нурмамад АЛМУРОДОВ  
олган сурат



Бу ҳовли шинам, ба-  
хаво. Ҳовлининг муъжази-  
гина гулзориде атиргул,  
жамбил, гулсафсар, рай-  
хонлари бор. Бу гуллар-  
ни ҳовли ўртасидаги чо-  
роққина чорпоёда ўтир-  
ган Шарофат ая яхши  
кўради. Гул ҳидларидан  
хуш бўйланган ариқча-  
лардаги тиниқ сув салқин  
июзларига урилади.

Аянинг тўрт томонида  
неваралар, чеваралар  
чугури яйраб-ўйнаб юри-  
шибди. Кечки шабада  
турди, дараклар шивир-  
лади, гуллар тебранди.  
Эрталаб ишга кетган  
ўғиллари ишда қайти-  
шади, ойижон яхши ўти-  
рибсизми, дея елкалари-  
ни туттишади. Икки ёнбо-  
шига ўтиришади. Ая шукр  
қилади, дуога кўл  
очади. Хонтахта устига  
дастурхон ёзилади.

Невара келиннинг  
қўли ширин, чақонгина.  
Рўзғори озода. Ая худди  
шундай дамларни ҳар  
кун иш боладай орзи-  
қиб кутади — оила жа-  
мулжам бўлиб, суҳбатла-  
шиб ўтирса, ич ичидан  
кувонади. Бу суҳбатлар,  
бу диалоглар — унга ҳаёт  
неъматлари. Ая юзни  
қоралапти. Деярли бир

ТАҚДИР ТУҲФАСИ

аср яшамокликнинг ўзи  
бўлмас.

Шунча вақт ичида у ни-  
маларга эришди, нималар  
наиб этмади?  
Шарофат Охун қизи  
1906 йилда Тошкент шаҳ-  
рининг Бешоғоч даҳасида  
дунёга келди. Исмаиулла  
аканинг энг кенжа — ол-  
тинчи фарзанди эди. Ма-  
ҳалланинг кўзга кўринган  
қизи бўлиб тилга тушди.  
Узун бўйли, сочи тово-  
ни ўпган, ок-сарикдан кел-  
ган, тиниқ юзли Шарофат  
маҳалладан ортмади —  
тақдир Абдували исми  
ийгит билан мустақкам  
боғланди.

Шарофатхоннинг қайно-  
наси сўзи ўткир аёл эди.  
Тартиб — интизомни ёқти-  
рар, меҳнаткаш инсонни  
кадрли биларди. Келини  
кўнглидагидай чиқди. Ша-  
рофат оилани олий бахт  
деб билди, турмуш макта-  
бини ўтади. Узи ҳам ўз  
мактабини яратди. Оналик  
масъулияти, аёллик шаъ-  
нини унутмади, йўқотмади.  
Лозим бўлса, рўзгор, бо-

лалар тарбиясидан ортиб  
эри билан ёнма-ён шаҳар  
четидаги даласида ер чоп-  
ди, экин-текин қилди. Ка-  
сал бўлиб шиқохонга  
тушганини эслаб олмайди.  
Абдували бобо тўксон  
ёшларида яяни ёлғизла-  
тиб, болаларининг багри-  
ни хувиллатиб кетдилар.  
Шу ҳовли, шу иморатнинг  
ҳар бир қаричида, гишти-  
да бобонинг кўл излари  
бар. Яхшиларга кўз бериб,  
яхшилардан қиз олишди.  
Бариси ўзидан тинчиган,  
илмли, хунарли.

Мавжуда опа шундай  
дейди: — Ўттиз йилдан  
бери шу даргоҳдаман.  
Келганимда ойм бакув-  
ват, зуваласи пишиқ аёл  
эди. Янги келинлик дав-  
ри. Хали бизда газ йўқ,  
кўмир ёқамиз, самовар  
кайнатамиз. Баъзан уйқу-  
дан турганимизча ҳовли  
чиннидай тозаланган, сув-  
лар сепилиб, супурилган,  
чай қайнаб турган бўлар-  
ди. Уша кунларни эсласам,  
ҳозир ҳам уялиб кетаман.  
Ойим ҳеч маҳал ўғиллари-

ЮЗ БИЛАН  
ЮЗЛАШГАНЛАР

га келинлар устидан ёки  
ортидан гапириб, жанжал  
кўтариб юрмаганлар.  
Майда гап, миш-мишлар-  
ни ёмон курадилар. Да-  
дам раҳматли билан гап-  
лашганларида овозини  
баланд қилмасдилар.  
Бундай бир-бирига меҳ-  
рибон, иноқ, аҳил оила-  
лар кўпайса дейман. Шу-  
ларни тарбиясини олган-  
нимиз учун ҳам маҳалла-  
да ўз ўрнимиз бор, хур-  
матимиз жойида.

— Ўн тўрт йилдан бери  
бувижонимизнинг хизмат-  
ларидаман. — дейди не-  
вара келин Барнохон. —  
Бувижонимиз ҳалими гай-  
ратли, соғлом. Уйимиз-  
нинг файзи, давлати, фа-  
ришаси. Болаларимга  
ўзлари танлаб-танлаб  
исм қўйганлар. Бирон-  
бир сабаб бўлиб, уёқ-  
бўёққа чиқиб қолсалар,  
кун ўтмай соғиниб қола-  
ман. Айниқса, болалари-  
миз кўрмаса туролмайди.  
Йиллар ўтмоқда. Сув-  
дай оқиб, шамолдай  
елиб, сездириб-сездири-

май. Аянинг умри мазму-  
ни кўзларига, юзидеги  
ажинларига буртиб чиқ-  
қан кўл томиларига син-  
гиб кетган. Ая табиятан  
камгап, камсуқум. Сирла-  
ри шу қадарли азими  
дейман, ҳеч кимга айт-  
гиси келмайди ёки ўзи  
каби оддий, соддаки кўз  
билан ўқиб, юрак билан  
ўқиб ол деб турибди.  
Аяга қараб хулоса қила-  
сан киши — яшамок ҳам  
меҳнат экан. Биз бу ум-  
рининг вазнини Севги би-  
лан ўлчадик. Баҳоси йўқ  
экан унинг. У ёшлигини,  
хуснини, кучини аямай,  
оиласига, фарзандлари-  
га берди. Яхшиликка ях-  
шилик қайтди. Ҳозирда  
Яккасарой тумани, Якка-  
сарой маҳалласида яша-  
ётган, юзга киратган ая  
пиру бадавлат, иззат-ик-  
ромда. Унинг дусосини  
олишга ҳамма интиқ. Ая  
дуога кўл очганида юз-  
лари ёришиб кетади,  
барчага узок умр тилай-  
ди. Ҳаётни севмасдан  
яшаб бўлмайди — мана,  
узок яшашнинг ягона  
сири.

Ойгул СҮЮНДИҚОВА,  
шоира,  
Ортиқбой  
ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
"Инсон ва қонун" муҳбири

Янги китоблар

АЛЛОМАНИ  
ЭЪЗОЗЛАБ

Тошкент Ислом  
Университети нашриёти  
А.Ш.Жузжонийнинг  
"Марғинойий ва унинг  
издошлари" номили ри-  
соласини 2000 нуҳада  
босмадан чиқарди.

Асарда бир-бирини  
тадрижий давом этти-  
рувчи учта изланиш  
маҳсули ўрин олган  
бўлиб, улар Ал-Марғи-  
ноий яратган янги  
ҳуқуқий йўналишдан  
сабоқ берувчи "Ҳидоя"  
асари ҳақида маълум  
даражада тасаввур бе-  
ради.

Китобга юридик  
фанлари докторлари  
Х.Бобоев ва З.Исло-  
мовлар масул муҳар-  
рирлик қилган.

— "Ўзбекистон Рес-  
публикаси Президенти  
И.Каримов раҳбарлиги-  
да биз, — деб ёзади ри-  
сола сўзбосида профес-  
сор Ҳ.С.Караматов.  
— Миллий, диний ва та-  
рихий қадриятларимиз-  
ни қайта тиклашни  
бошлаб, халқимиз ярат-  
ган ва дунё цивилиза-  
циясининг ажралмас  
қисми деб тан олинган,  
буюк маданиятимизни  
жаҳонга танитишга му-  
ваффақ бўлдик".

Ҳа, бу — ҳақиқат.  
Буюк алломаларимизни  
эъзозлаш, уларнинг ил-  
мий меросини ўрганиш  
ва халққа, жаҳон жа-  
моатчилигига етказиш  
борасидаги ишларимиз  
бунга яққол далил.  
Жумладан, яқинда 910  
йиллиги нишонланётган  
фикх илмининг  
қимоми, йирик  
ҳуқуқшунос олим Бур-  
ҳониддин Марғинойий  
ҳаёти, илмий мероси,  
бекъис "Ҳидоя"си...



Таъқиқли ҳуқуқшу-  
нос, Ўзбекистон илмий  
ва амалий жамоатчили-  
ги орасида ўз ўрни ва  
сўзига эга олим, шар-  
қона қадриятлар бил-  
лимдони Абдулҳаким  
Шаръий Жузжоний  
ана шу юртдош бобо-  
миз, раъй ва қиёсга та-  
янган ханафий маъза-  
бимизни ривожланти-  
риш орқали ҳуқуқшу-  
носликнинг ўзига хос  
йўналишини яратган,  
қўллаб асарлари қато-  
рида исломий ҳуқуқ  
манбаси бўлган 4 том-  
лик "Ҳидоя" асарин-  
ининг яратувчиси  
ҳақида, унинг маъруз  
буюк китоби, унга шар-  
ҳлар ёзган издошлари  
ҳақида муъжазгина ри-  
сола яратибди.

Муаллифнинг ушбу  
хайрли иши бутунги  
кун ўқувчиларини,  
кенг жамоатчиликни,  
аллома илмий мероси  
билан қизиқувчи ҳар  
бир инсонни ўзига  
жалб этишига шубҳа  
қилмаймиз.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,  
"Инсон ва қонун"нинг  
ҳуқуқий шарҳловчиси

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир-  
лиги жамоаси, Бухоро вилояти Қоровулбозор ту-  
ман судининг раиси

Ризқул Паноевич УМАРОВнинг  
фожиали вафоти муносабати билан марҳумнинг  
оила аъзоларига ҳаққур таъзия ва ҳамдардлик бил-  
диради.

Бўрибой МИРЗОҚУЛОВ,  
Термиз шаҳар  
прокурорининг  
ўринбосари, I  
даражали ҳуқуқшунос,  
С.ЕДИКОВ,  
"Инсон ва қонун"  
муҳбири

Бу дунёда энг қийин ва ечиб  
бўлмайдиган муаммо бизнинг  
тушунмаслигимиз. Агар фалак-  
нинг гардиши билан одамлар  
бир-бирини тушунолса эди,  
олам гулистонга айланарди.  
Афсуски, ҳаётда қўлича бун-  
нинг акси бўлапти. Ёнингдаги  
одам осмонга уңғанда сен  
ундан сал пастрок келсанг,  
балки ўзаро нисолару фожи-  
аларнинг бир қисми барҳам  
топган бўлармиди? Ҳамма ҳам  
ўзининг кимлигини, нимага  
қодирлигини яхши биледи.  
Зеро, билаттариб, уни қалби-  
нинг қат-қатида пинҳона сақ-  
лайди. Биз 200 сўм атрофида  
рўй берган фожианинг тафси-  
лотини ўргана туриб, бунинг  
барчасига ичкилик ва манман-  
лик сабаб эканлигига амин  
бўлдик.

Уттиз ёшни қоралаб қолган  
Илҳом Қодиров оиласини бо-  
қиш учун баъзи-баъзида ким-  
ларнингдир хизматини қилиб,  
чой-чақа топган бўларди. Ле-  
кин қўлича топишган пулини  
ичиб қўярди. Оқибатда рўзгор-  
да етишмовчилик бўларди.

Шу йилнинг баҳор ойлари  
эди. Илҳом ўз таниши Термиз  
шаҳар, Гоголь кўчасида яшов-  
чи Улғабек Бекпулатовниқига  
борди. Яқинда у ана шу тани-  
шининг илтимосига кўра гишт  
териб берган ва ўзаро кели-

шувга асосан 3 минг сўм хиз-  
мат ҳақи олиши керак эди. Қар-  
зани сўраб Улғабек Бекпулатов  
хонадони эшигини очди:  
— Журажон, ҳозир бир тий-  
ним ҳам йўқ. Топганда узарман.  
Ўтган сафар бермоқчи эдим,  
эсингдами, барда ўтириб қолиб,  
уфатчиликнинг барча хаража-  
тини мен тўлагандим, — дея  
эшикдан киритмасдан жавоб  
берди Улғабек.

Кўтарса зам қил, кўтармаса  
кам қил, қабилида иш тутган та-  
нишининг бу қилиғи Илҳомнинг  
газабини кўзғатди. Шу кетиш-  
да "Барчиной" бозори ичидаги  
"Шарин" чойхонасига кириб,  
300 грамм "Орзу" ароғини ютиб  
юборди. У шундан кейин қан-  
дай қилиб вилоят турғихонаси  
ёнига бориб қолгани-ю, "Моск-  
вич-412" русумили машинани  
тўхтатгани, ҳайдовчи Зиёдулла  
Ҳамроев билан хизмат ҳақини  
келишмасдан миниб олганини  
сал-пал эслади.

Улар йўлда чурқ этишмай  
манзилга етиб келишди. Илҳом  
хизмат ҳақи учун 150 сўм чиқа-  
риб бериб машинадан тушди.  
Ҳайдовчи Зиёдулла:  
— У, йигит яна 200 сўм бе-  
расан, — деди ачкачланиб.

— Бошқа пулим йўқ, холласанг  
шу, — жавоб қайтарди Илҳом ва  
уйи томонга бурилди.  
200 сўм олиш илнжиде Илҳ-  
омнинг ортидан эргашган Зиё-

дулла:  
— Э, бола, мен сенга ўхшаган  
"делавой"ларнинг қўлини  
кўрганман. Қани 200 сўмини чўз,  
— деб Илҳомнинг ортидан эр-  
гашганича унинг уйи бусғаси-  
дан хатлади-ю, бошига уч мар-  
та урилган темир тўра зарби-  
дан унис йилди...

Илҳом санокли дақиқалар

танани катта кўчада турган ма-  
шинанинг орқа юкхонасига жой-  
лади. Машинани уйдан четроқ  
жойга олиб бориб ташлаш ни-  
ятда калитни буради. Қон тор-  
тади, деб бекорга айтишмай-  
ди. Оллоҳнинг ҳам бир газаби  
бўлса керак, Илҳом ҳар қанча  
уринмасин машина неғадир ўт  
олмади...

200 СЎМЛИК  
ҲОЖИА

ичида содир этган ишидан да-  
рҳол хушёр тортиди. Бўсағасида  
қонга беланиб ётган Зиёдулла  
Ҳамроевни турткилаб кўрди. "Э,  
ўлиб қолибди-ку". Миясига ток-  
дек урилган фожиали қилмиши-  
дан гангил турганда, ичкаридан  
хотини Нодира Мамадалиева-  
нинг овози эшитилди:  
— Ҳа, тинчликми?  
— Уйга кир. Сасинг чиқса  
ўлдираман! — дағдаға қилди Ил-  
ҳом.

Турмуш ўртоғи эшикни ёлғач,  
оёқ остида турган сариқ ранг-  
ли қопни кимжирламай қолган  
Зиёдулланинг бошига кийгизиб

Бу пайтда шаҳарга оқшом  
чўккан. Уйларнинг чироқлари  
ёқилган эди. Илҳом машинадан  
хавотирланиб тушиб, атрофга  
аланг-жаланг нигоҳ ташлади. Ва  
кичкина йўлакчада турган ҳам-  
кишлоси Шуҳрат Кенжаев, Ша-  
риф Муродовларга кўзи тушди.  
— Э, йигитлар илтимос шу ма-  
шинани бир сурати юборинглар,  
неғадир ўт олмапти, — илтижо  
қилди у.  
Ҳамкишлққлар ҳам бўлиб  
ўтган воқеадан беҳабар маши-  
нани аввал орқага, сўнг олди-  
га итаришди. Илҳом қанча  
уринмасин машина мотори ўт

МУАССИС  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ.  
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ  
Ғайбулло РАҲИМОВ  
Парахат АЙТНИЕЗОВ  
Эркин ҚУДРАТОВ  
Шавкатжон МАВЛОНОВ  
Абдидин ВОЛИЕВ  
Абдил ТўХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ  
Сирожиiddн РАУПОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Улоқ БОЗОРОВ  
Шуҳрат РУЗИНАЗАРОВ  
Тухтамурод ҲАСАНБОВЕВ  
(масъул котиб)  
Миршохид МИРҲАМИДОВ  
Нормейли НОРПУЛАТОВ

Индекс: 646882  
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси  
таҳририятда саҳифаланди. А-2  
бичижда, 2 босма табоқ ҳажмида,  
офсет усули билан «ШАРК»  
нашриёт маъбаа конерни  
босмахонасида босилди. Қорқона  
манзили: Тошкент шаҳри, Буюк  
Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945  
Тиражи-10.000. Ҳосянша тошириди  
вақти 21.00 Босишга тошириди  
20.00

Навбатчи:  
ОХУДОЙБЕРДИЕВ  
Компьютерда  
оригинал макет  
тайёрловчи:  
З. ШЕРМАТОВА  
Компьютерда матн  
терувчи:  
М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри,  
Сайитгоҳ кўчаси 41  
Тел: 133-2441  
132-1441  
"Инсон ва қонун"  
газетаси 1991 йил 2 июлда  
Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот  
қўмитасида  
00141-сон билан  
руйхатдан ўтган.

